



16.02.2016 № 87-03-347

**ОТМлар ректорларига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси ҳамда вазирликнинг 2016 йил 23 январдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2016 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 27-сонли буйруғига асосан Андижон давлат университетида:

1. **2016 йилнинг 14 апрель куни** “Замонавий психологияда тараққиёт ва таълимнинг долзарб масалалари” мавзусида республика миқёсидаги;
2. **2016 йилнинг 5 апрель куни** “Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашуви жараёни ва унинг амал қилиш хусусиятлари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
3. **2016 йилнинг 16 май куни** “Нутқ маданияти ва ўзбек тилишунослигининг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
4. **2016 йилнинг 17 май куни** “Математиканинг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсидаги;
5. **2016 йилнинг 31 май куни** “Замонавий географик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар” мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилишини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан мазкур анжуманлар тўғрисидаги маълумотларни Сиз раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасидаги профессор-ўқитувчи ва мутахассислар эътиборига етказишингиз сўралади.

Иловада: Анжуманларнинг ахборот хатлари – 5 бетда.

Вазир ўринбосари



Б.Усмонов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Андижон давлат университети

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Андижон давлат университети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси томонидан ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар илмий йўналиши доирасида "Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашуви жараёни ва унинг амал қилиш хусусиятлари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилиши режалаштирилган.

Республика илмий-амалий анжуманини ўтказишдан мақсад:

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир ислохотлар, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни модернизациялашуви жараёни ва унинг амал қилиш хусусияти билан боғлиқ тажрибалар ҳамда Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да асослаб берилган тамойилларни, белгиланган стратегик мақсадларни самарадорлигини, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб беришдан иборат.

Анжуман қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

1. Юксак билимли интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш мамлакатимизни модернизация қилишнинг муҳим шарти эканлиги;
2. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизациялашуви – фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти;
3. Ўзбекистонда бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш истиқболлари;
4. Фуқароларни ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари;
5. Маънавий юксалиш мамлакатимизни тараққий этиши, модернизация қилишнинг муҳим шарти.

Мақола ва тезисларни расмийлаштириш учун талаблар:

Илмий мақолалар конференцияга онд долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар асосида тақдим этилиши лозим. Тақдим этилаётган мақолаларнинг ҳажми 5 бетдан кам бўлмаслиги ва тезисларларнинг ҳажми 3 бетдан иборат бўлиши Microsoft Office Word, Times New Roman, 14 pt шрифт, 1.5 интервалда жойлаштирилиши, юқори ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1.5 см қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Матн – лотин ёки кирилл алифбосида бўлиши мумкин. Биринчи қатор ўртада катта қалин ҳарфлар билан мақола ёки тезиснинг мавзуси, иккинчи қатор ўртада муаллифнинг Ф.И.Ш., учинчи қатор ўртада муаллифнинг иш (ўқиш) жойи, шаҳар номи ёзилади. Адабиётлар рўйхати мақоланинг охирида келтирилади. Мақола варақлари рақамланмаслиги лозим. Тақдим этилаётган материалларнинг имёо қондаларига, шунингдек, келтирилган маълумотларнинг тўғри эканлигига муаллифларнинг ўзлари жавобгардир. Мақола ва тезислар 2016 йил 15 март кунига қадар (ўзбек, рус, инглиз тилларида) қогоз (2 нусхада) ҳамда электрон шаклда ёки электрон почта орқали жўнатилади ва анжуман ташкилий қўмитасига тақдим этилиши сўралади. Юқорида қўйилган талабларга жавоб бермаган мақола ва тезислар чоп этилмайди, муаллифга қайтарилмайди. Анжуман ташкилий қўмитаси илмий мақолаларни таҳрир қилиш ва саралаш ҳуқуқига эга.

Илмий-амалий анжуман тўпламини чоп этиш учун харажатлар муаллифлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Манзил: Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси.

Мурожаат учун телефонлар: (374) 223-88-30, (93)631-86-56, (93)429-17-02,  
факс (374) 223-88-30. [Yusufkhan2882@mail.ru](mailto:Yusufkhan2882@mail.ru), [dima-1120@mail.ru](mailto:dima-1120@mail.ru)

## АХБОРОТ ХАТИ

Андижон давлат университети ва Ўзбекистон География жамияти Андижон бўлими ҳамкорлигида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 февralидаги 27-сонли буйруғига асосан 2016 йилнинг 31 май куни “Замонавий географик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар” мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилади.

Конференцияга қуйидаги йўналишлар бўйича мақолалар ва кўргазмада намоиш этиладиган материаллар 2016 йилнинг 30 апрелигача қабул қилинади.

Конференция қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилади:

1. Табiiй география ва табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш, геоэкологик муаммолар;
2. Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар;
3. Гидрология ва картографияда амалий методлар;
4. География таълими методикаси ва топонимика.

Конференциянинг ишчи тиллари: ўзбек ва рус.

Конференция материаллари иштирокчилар маблағлари ҳисобига (ҳар бир саҳифа (бет) учун 8 000 сўм) асл нусхада “Илмий-амалий конференция материаллари” да чоп этилади.

Мақола матнлари 6 бетдан ошмаслиги, А - 4 форматда, 1,5 интервалда, юқоридан, пастдан ва ўнгдан 2 см, чапдан 3 см жой қолдириб, Times New Roman 14 шрифтда расмийлаштирилиши лозим.

Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилиши керак. Икки бўш қатор қолдирилиб, навбатдаги қатордан муаллифнинг исми, фамилияси ва кейинги қаторда доимий иш жойи, лавозими ва шаҳри ёзилади.

Матн охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилadi (Ф.И.Ш, нашр жойи, йили, нашриёт, том, номери ва бетлари). Мақолада кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига шахсан муаллифлар масъулдирлар.

Ташкилий қўмитага кечикиб келган, қўйилган талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Конференция ташкилий қўмитаси манзили: Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Асосий бино, 212-хона, Андижон давлат университети, География кафедраси.

Тел: (94)4335836, (97) -272-84-54

Электрон манзил: [geografadu@umail.uz](mailto:geografadu@umail.uz), [Andijongeo@mail.ru](mailto:Andijongeo@mail.ru)

## Ахборот хати

Андижон давлат университети математика кафедрасида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23-январдаги 27-сонли буйруғига асосан 2016 йил 17-18 май кунлари **“Математика ва унинг долзарб муаммолари”** мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Анжуманда республикаимиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари, мустақил илмий тадқиқотчилар, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар қатнашишлари мумкин.

Анжуманда қуйидаги муаммолар муҳокама қилиши режалаштирилган:

1. Дифференциал тенгламаларнинг замонавий муаммолари;
2. Алгебра, анализ ва эхтимоллар назариясининг долзарб масалалари;
3. Математика тарихи ва математика ўқитиш методикаси;
4. Математикани ўқитишда фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш муаммолари.

Анжуман Андижон давлат университети катта мажлислар залида ўтказилади. Мақоланинг тезиси ўзбек, рус ва инглиз тилларидан бирида ёзилган бўлиши ва 2016 йилнинг 25 апрелига қадар электрон шаклда жўнатилиши ҳамда қуйидаги талабаларга жавоб бериши керак:

1. Мақола ва тезиснинг ҳажми 4 бетдан ошмаслиги, ва илмий-амалий тавсиялар билан яқунланган ҳамда имло хатоларсиз бўлиши керак.

2. Тезис номи катта ҳарфларда, пастки қаторда муаллифларнинг исми, шарифи ва иш жойи номи ёзилиши керак

3. Тезислар А4 ўлчамда оқ қоғозда, қатор оралиги 1,5 интервал, 14 шрифтда, юқоридан ва пастдан 2 см чапдан 3 см ва ўнгдан 1,5 см бўлиши керак.

4. Тезисларнинг электрон варианты Windows 2003 Microsoft Word (RTF шаклида) дастурида, Times New Roman шрифтида ёзилган бўлиши керак.

5. 2016 йилнинг 25 апрелгача топширилмаган ва қўйилган талабаларга жавоб бермайдиган тезислар чоп қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

6. Тезиснинг охириги бетида муаллифлар ҳақида тўла маълумот берилиши керак.

7. Тезислар тўплам шаклида чоп этилиши муносабати билан ҳар бир тезис учун 50000 сўм бадал пули тўланиши сўралади.

Маълумот учун телефонлар:

Факс: (+99874-223-88-30) email: [aduconf2016@rambler.ru](mailto:aduconf2016@rambler.ru)

(+99891-600-32-07)

(+99890-572-78-52)



**“ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАЪЛИМНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ЎТКАЗИЛАДИГАН  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
ХАБАРНОМАСИ**

**Анжуман ташкилотчилари:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон давлат университети.

**Анжуманни ўтказиш муддати ва жойи:** 2016 йил 14 апрель, Андижон давлат университети.

**Анжуманнинг мақсади:** Замонавий психологияда тараққиёт ва таълимнинг долзарб муаммоларини назарий ва амалий таҳлил қилиш, инновацион таълимнинг психологик механизмларини амалда қўллаш тажрибаларидан фойдаланиш, таълим олувчиларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболларини режалаштириш.

**1-шўба.** Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг психологик асослари

**2-шўба.** Таълим ва тараққиётнинг долзарб муаммолари

**3-шўба.** Узлуксиз таълим тизимида шахс ижтимоийлашуви

**4-шўба.** Глобаллашув шароитида ёшларни ахборот психологик муҳофазаси

**5-шўба.** Замонавий таълимда психология ўқитиш муаммолари

**6-шўба.** Амалий психология истиқболлари

**Анжуманнинг ишчи тили:** ўзбек, рус, инглиз тиллари.

**Материалларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар:** материаллар 3 бетгача ҳажмда, 1 интервалда А 4 форматли қоғозда (юқори ва пастки қисмида 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдирилади) компьютернинг Microsoft Word муҳаррири (Times New Roman)да 12 ўлчамли шрифтда тайёрланган бўлиши лозим. Тезислар юқори қисмида тегишли шўба номи кўрсатилиб, мавзуси бош ҳарфларда ёзилади, бир интервалдан сўнг муаллиф(лар)нинг исм-фамилияси, иш жойи кичик ёзувларда тўлиқ кўрсатилади ва яна бир интервалдан кейин Tab ёрдамида абзац қўйилиб, матн ёзилади. Электрон матнлар 2016 йил 5 апрелгача **mashxurbek-dmx@mail.ru** электрон манзил ва Андижон давлат университети Психология кафедрасида қабул қилинади. Маъсул М.Думаров, Б.Пармонов. Барча талабларга жавоб берган тезис ва мақолалар конференция материаллари тўплам ҳолатида чоп этилади. Таҳрирдан ўтмаган тезис ва мақолалар чоп этилмайди вamuаллифларга қайтарилмайди.

Ташкилий масалалар ва тўпламни нашр эттириш учун ҳар бир тақдим этилган материалнинг саҳифаси учун 10 000 (ўн минг) сўм миқдорида бадал тўланади.

Қўшимча маълумотлар учун: Андижон давлат университети Бобуршоҳ кўча №5 уй. тел:(8-374)-223-88-30

Тел: 99893-7846909, 99893-4290403, 99891-4842928.

Электрон почта:mashxurbek-dmx@mail.ru

## ХАБАРНОМА

Андижон давлат университетида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 23 февралдаги 27-сонли буйруғига асосан “**Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари**” мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилади.

**Анжуманнинг мақсади:** Ҳозирги ўзбек тилшунослигида назарий ва амалий жиҳатдан ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш йўллари аниқлашдан иборат.

**Ўтказиш муддати:** 16-17 май, 2016 йил.

**Ўтказиш манзили:** Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй Андижон давлат университети.

### Анжуман ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
- Андижон давлат университети

### Анжуманнинг илмий йўналишлари:

- Ўзбек тили фонетикаси ва фонологиясининг долзарб муаммолари
- Ўзбек тили лексикологиясининг долзарб муаммолари
- Ўзбек тили грамматикасининг долзарб муаммолари
- Когнитив лингвистиканинг долзарб муаммолари
- Антропололингвистика

Анжуманга юборилган маъруза тезислари таҳрир ҳайъати томонидан муҳокама қилинади ва тўплам сифатида чоп этилади. Маъруза тезисларининг мазмунини ҳамда орфографик, пунктуацион, стилистик хатоларига муаллиф масъул ҳисобланади. Таҳрирдан ўтмаган тезислар чоп этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**Анжуман:** Ўзбек тилида олиб борилади.

Маъруза тезисларга қўйиладиган талаблар:

- Маъруза тезислар ҳажми А4 форматда, 14 ўлчамли шрифтда, Times New Roman шрифтда, 1,0 интервал ораликда, юқори ва пастдан 2 см, чапдан 3 см ва ўнгда 1,5 см оралик масофа ташланган ҳолда 3 бетгача тайёрланади;
- Маъруза тезис мавзуси катта ҳарфларда ўртада, кейинги қатордан муаллиф Ф.И.Ш. илмий даражаси, унвони, лавозими, унинг остида муассаса номи қисқартирилган ҳолда кўрсатилади;
- Маъруза тезисларни чоп этиш учун тўлов бадали: Ҳар бир бетга тўққиз минг сўм;
- Маъруза тезис матнлари 1 нусхада таҳрир қилинган ҳолда, электрон варианты билан 2016 йил 1 майгача ташкилий қўмитага топширилади.

Масъуллар: +(99893) 2567151  
                  +(99893) 4193529

Факс:           +(99874) 2238830

Набиева Дилоро Абдуҳамидовна  
Усмонов Фарҳод Фахриддинович  
[farhodfilolog@mail.ru](mailto:farhodfilolog@mail.ru)  
Отахонов Қобилжон